

MURABBIY MAHORATI

2018-yil: 1-son

ILMIY-METODIK, OMMAVIY-
MA'RIFIY JURNAL

Мастерствонаставника
Skill of the mentor

МУАССИС:

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги
Ўзбекистон Педагогика фанлари
илмий-тадқиқот институти
Журнал 2016 йил июндан чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Норбек ТАЙЛАКОВ

Масъул котиб:

Шахзода АБДУЛЛАЕВА

Техник муҳаррир:

Уралбой МИРСАНОВ

Саҳифаловчи:

Рахмон ЭШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Узоқбой БЕГИМҚУЛОВ

Шавкат ШАРИПОВ

Муҳаммад ҚУРОНОВ

Барно АБДУЛЛАЕВА

Рисбой ЖЎРАЕВ

Роҳатой САФАРОВА

Баҳтиёр ДОНИЁРОВ

Мақсуд ЮЛДАШЕВ

Йўлдош АСАДОВ

Моҳира ХОЛИҚОВА

Раҳматилла МУСУРМОНОВ

Маҳфуза АЛИҚУЛОВА

Жамоатчилик кенгаши:

Собитхон ТУРҒУНОВ

Холбой ИБРАГИМОВ

Гулнора ИБРАГИМОВА

Иброҳим ИСМАТОВ

Амрулло САФАРОВ

Камол ГАФУРОВ

Умарали ҚОДИРОВ

Ғайрат ҚОДИРОВ



Журнал макети таҳририят матбаа бўлимида тайёрланди. Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.

Таҳририятга келган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Мақолада келтирилган маълумотлар тўғрилигига муаллиф жавобгар.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Фурқат кўчаси, 174-уй,
Телефон: 71-245-58-64,
Факс: 71-245-76-29,
e-mail: mmmn2015@inbox.uz

Босмахонага 04.02.2018 йилда топширилди.

Офсет усулида чоп этилди.

Қоғоз бичими 60x84^{1/8}

Шартли босма тобоғи 8,4.

Босма тобоғи 8. Адади 342

Журнал «RELIEBLE PRINT»
босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани,
Фурқат кўчаси, 174-уй.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
2016 йил 3 июнда 0850-сонли
гувоҳнома билан қайта рўйхатга олинган.

МУНДАРИЖА

ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ	
Тайлаков Н.И. Жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчи тарбиясида ота-онанинг маъсулияти ва муносабатларини аниқлаш усуллари.....	3
ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	
Тайлаков У.К. Умумтаълим мактаблари учун «Информатика ва ахборот технологиялари» фанидан мультимедияли электрон дарсликлар яратиш технологияларини такомиллаштириш.....	7
Абдуллаев Ф.А. Ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан таълим тизимида фойдаланиш тенденциялари.....	10
ОЛИЙ ТАЪЛИМ	
Исакулов Т.М. Техника олий таълим муассасаларида «Олий математика» курсини бошқа ўқув фанлари билан интеграциялаш.....	14
Норова К.Ю. Олий педагогик таълим жараёнида «Таълим менежменти» ўқув курсини ўқитиш хусусиятлари.....	18
ПЕДАГОГИКА	
Узоқов А.М. «Ватанпарвалик» категориясининг педагогик талқини. Ёшлар тарбиясида унинг моҳияти.....	21
ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ	
Хушмуродова И.Б. Ўзлуksиз таълим тизимида инновацион ғоялар таълим сифатини ошириш гаровидир.....	27
Раббимов И.М., Мамадиёров Ж.Б. Мультимедияли электрон ўқув адабиётларни яратиш ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишнинг инновацион воситаси сифатида.....	31
ПСИХОЛОГИЯ	
Акрамова Ф. Умумий ўрта таълим тизимидаги психологик хизматни такомиллаштириш зарурати.....	33
ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ	
Абдуллаева Ш.А. Ўқувчилар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш долзарб педагогик муаммо сифатида.....	37
Тўқбоева Д.З. Бола тарбиясида оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг ўрни	40
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ	
Собиров Б.Б. Организация учебного процесса в современном образовании	44

фаолият юритиши талаб этилади. Ҳозирги даврнинг бу талаби - ўқитувчиларни юксак педагогик маҳорат ва техника кўникмаларига эга, педагогик компетенция сирларидан воқиф бўлган, умуммаданий фазилатларга бой шахс сифатида таълим-тарбия жараёнининг ижодкори бўлиши лозимлигини исботламоқда. Бунда «Таълим менежменти» ўқув курсини ўқитишнинг салмоғи ҳам юқоридир.

Шуни таъкидлаш керакки, «Таълим менежменти» ўқув курсини сифатли ўқитиш учун қуйидагилар зарур:

- сифатли ўқув жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи компетенциясини ривожлантириш;

- таълим сифатини таъминлашда замонавий ёндашувларининг асосий негизи – турли хил бошқарув, инновация ва ахборот технологияларини таълимга жорий этишда ўқитувчининг лаёқатини ошириш;

- таълим-тарбия сифатининг маҳсуласи – натижани қўлга киритиш ва бошқалар.

Таълим муассасалари ўқув фаолиятининг сифати ўқув жараёнини режалаштириш, уни амалга ошириш, ўқув режа, дастурларининг мазмун-моҳияти билан эмас, балки таҳсил олувчиларнинг олган билимлари, малака ва кўникмалари, мустақил равишда олган билимлари билан боғлиқ таълим натижаси сифати билан белгиланмоқда.

«Таълим менежменти» ўқув курсини ўқитишда қуйидагилар мутахассиснинг педагогик ишга тайёрланганлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий талаблари ҳисобланади:

- менежмент, педагогика ва психологияга оид билимларга эга бўлиш, ўз устида ишлаш, таълим жараёнини режалаштириш, баҳолаш, қайта алоқани ўрнатиш;

- таҳсил олувчиларда дидактик мотивацияни шакллантириш; таҳсил олувчи

шахсининг ривожланиш хусусиятларини билиш;

- АКТ ва хориж тилларини ўзлаштириш ва амалиётда қўллай олиш; умуминсоний ва умуммаданий қадриятлардан хабардор бўлиш ва улардан фаолияти мобайнида фойдаланиш; мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш;

- таълим муҳитига янгилик киритиш, ўз фанини мукаммал билиш; мулоқатмандлик, бағрикенглик, эмпатияга мойиллик, етакчилик, фаоллик ва ташаббускорлик, масъулиятлилик;

- ўз фаолиятини таҳлил қилиш, компетентлик самарасини режалаштириш, мақсад ва вазифа белгилаш, башорат (прогноз) қилиш, ўзини намоён эта олиш, камчиликларини тузатиш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиз талаб этаётган ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашда «Таълим менежменти» ўқув курсини сифатли ўқитишнинг ўрни бекиёсдир. Ҳар соҳада компетент ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни егаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади. Ўқитувчининг ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Мактаб ҳаёти амалий педагогик жараён эса жуда хилма - хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарликни, юксак педагогик компетентликни, педагогик менежментни ва ижодкорликни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўраев Р. Ҳ. ва бошқалар. Педагогика фани Концепцияси. -Тошкент, 2010. -Б.-8.

2. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. -Тошкент: Ўқитувчи, 2001. 349-бет..

ПЕДАГОГИКА

“ВАТАНПАРВАЛИК” КАТЕГОРИЯСИНING ПЕДАГОГИК ТАЛҚИНИ. ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА УНИНГ МОҲИЯТИ

УЗОҚОВ Аслиддин Мехриддинович,

Бухоро Давлат университети ўқитувчиси

***Аннотация.** Мақолада “ватанпарварлик” категориясининг мазмун-моҳияти педагогика нуқтаи назаридан ёритиб берилган бўлиб, ватанпарварлик туйғуларини ёш авлодда шакллантириш ва ривожлантириш йўллари хусусида фикр баён этилган. Шу билан бирга, мақолада ҳозирги пайтда ватанпарварлик кўринишлари, айниқса, “космополитизм”нинг ёшлар тарбиясидаги салбий оқибатлари, унинг олдини олиш масалалари ёритиб берилган.*

Калим сўзлар: ватан, ватанпарварлик, юксак инсоний туйғу, адолатпарварлик, Она-юртга муҳаббат, шакллантириш, шахс, ривожланиш.

Аннотация. В статье с точки зрения педагогики раскрыта сущность категории "патриотизм", освещены пути формирования и развития патриотизма у молодежи. Так же в статье указаны основные направления патриотизма, в особенности "космополитизма", который негативно влияет на воспитание молодежи.

Ключевые слова. Родина, патриотизм, высокие человеческие чувства, справедливость, любовь к родной земле, формирование, личность, развитие.

Annotation. In the article from the point of view of pedagogy, the essence of the category "patriotism" is revealed, the ways of formation and development of patriotism among the youth are highlighted. The article also mentions the main directions of patriotism, especially "cosmopolitanism", which negatively affects the education of young people.

Keywords. Homeland, patriotism, high human feelings, justice, love for one's native land, formation, personality, development.

Жаҳон ҳамжамиятида мафкуравий янгиланишнинг вужудга келиши, ижтимоий инфраструктураларда ватанпарварликка, юксак инсоний маданиятга, тарбияланганликка янгича ёндашиш, қараш, муносабат, мезон, талаб, моҳият, мазмун, шакл тақозо этиши ёшларда ватанпарварлик феноменологияси қўламини кенгайтиришни талаб этади. Глобаллашув сари бораётган ҳозирги дунёда давлатнинг халқаро рақобат жараёни шартларига тез мослашуви унинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Бунда юксак тараққий этган давлатларнинг асосий устунлиги - шахсни ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги, таълим тизимининг тарбиявий йўғрилганлиги ҳолатига, жамият аъзоларида ватанпарварлик, маънавий маданият, миллий ўзликни англаш туйғуларининг шакллантирилганлигида, мафкуравий иммунитет ҳосил қилинганлигида ўз ифодасини топади.

Тараққиёт, ижтимоий онг, ақл-заковат, ўз она юрти сарҳадларининг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳисси ватанпарварлиқнинг ҳам ҳаракатлантирувчиси, ҳам механизми, ҳам зарурат эканлигини таъкидловчи омил бўлиб хизмат қилган ва бундан кейин ҳам кўп функционал вазифани адо этаверади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш ҳамда уни барча фуқароларга, энг аввало, ёшларга сингдириш давлатимиз сиёсатида устувор йўналиш қилиб белгиланиши, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги сингари таълим тизимининг барча босқичларида ҳам буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, унинг миллий ва умумбашарий заминини мустаҳкамлаш асосида ёшларга

замон талаблари ва жаҳон андозалари асосида билим ва маълумот бериш билан бирга, уларда юксак маънавий маданият, ахлоқ ва маърифат, ватанпарварлик фазилатларини сингдириш ва тарбиялаш муаммоларининг ечимини топишга замин яратди.

Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири- маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий истиқлол ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказиш, ўз Ватанига, элу юртига садоқатли фуқароларни тарбиялаш ижтимоий зарурат сифатида қаралмоқда.

Миллий маънавиятимизни тиклаш борасида олиб борилган, давом этаётган ишлар, халқ таълимининг тубдан ислоҳ қилинаётгани Ўзбекистонда ватанпарвар, ижтимоий фаол, маънавияти етук шахсларни тарбиялаш, халқ хўжалиги, бошқарув идоралари, фан-техника ва маданиятнинг барча соҳалари учун етук мутахассислар тайёрлаш имкониятининг вужудга келиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қўрамыз" [5,7]. номли асарида таъкидлаганидек, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига эришиш биз учун энг асосий мақсаддир.

Ватанпарварлик - ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Бугунги кунда хур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интиломоқда. Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан

Ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими - инсонларга керакли кадриятларимиз барпо этилмоқда.

Халқимизнинг хотираси ажойибномларга бой. Бутун жаҳонга машхур бўлган Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, ИмомБухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўпгина алломаларнинг педагогик қарашларида ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат туйғуси кенг талқин қилинган.

Ислон Каримов ўзининг “Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли китобида: “Энг муҳими, замонавий билим ва тафаккур, соғлом дунёқарашга эга, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга тайёр бўлган, кўзи ёниб турадиган навқирон авлодимиз катта ишонч билан ҳаётга дадил кириб келаётгани барчамизни қувонтиради[8, 253-бет]”. Демак, Ўзбекистоннинг куч - қудрат манбаи - халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидир. Умуминсоний кадриятлар адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва ватанпарварлик бўлиб ҳисобланади. Халқимиз бу кадриятларнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб - асраб келмоқда.

Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этиб, ўсиб келаётган авлоднинг барча эзгу имкониятларини унда намоён қилади, касб - кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, кекса авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Бизнинг давлатимиз мутахассислар тайёрлашнинг илғор жаҳон тажрибасини фаолиятга кенг тадбиқ этади. Аввало, Ўзбекистоннинг ўзида юқори сифатли таълим учун шароитлар яратади. Бизнинг халқимизнинг доимий фазилати бўлган ҳақиқатни билиш йўлидаги сабот фан, техника, технология, бошқарув ва информатикада эришилган жаҳон ютуқларини ўзлаштиришга йўналтирилган. Бугунги

кунда республикадаги олий таълим тизимида янги авлод дарсликлари яратилмоқда, таълим жараёнида фаол ўқитиш методларидан фойдаланилмоқда, аммо талаба шахси, унинг билимга интилиши, мустақил мушоҳада қилиши, маънавий маданиятини шакллантириш имкониятлари, ватанпарварлик даражасини баҳолашқаби масалалар долзарб муаммо бўлиб қолаверади, чунки жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий, маънавий тараққиёти бевосита унинг маънавий - ахлоқий негизларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бу негизлар:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварликдан иборатдир.

Мустақил, маърифий-маданий, адолатли ва инсонпарвар жамиятда ёш авлодни ҳар томонлама етук, Она юртига садоқатли, ахлоқли, одобли инсонлар сифатида камол топтириш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Педагогик таълим Концепцияси»да ўз ифодасини топган. Ушбу вазифаларни амалда қарор топтириш қуйилган талаблар билан ҳамоҳанг равишда баркамол инсонни вояга етказиш учун зарур бўлган қуйидаги хусусиятларни шакллантиришни назарда тутати:

- ижобий фазилатлар моҳияти ва мазмунини тўғри тушуниш ҳамда таҳлил қилиш, шахсий муносабатини билдира олиш;
- жамоадаяшаш,

меҳнатқилишмалакаларини эгаллаш;

- баркамол инсон сиймосини идрок этиш, унинг маънавий қиёфасини шакллантириш усулларини излаш ва бошқалар. Шу жиҳатдан олганда, олий таълим тизимида таҳсил олаётган талабаларда ватанпарварлик даражасининг сифат кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашнинг назарий-методологик асосларини тадқиқ қилиш, ёшларнинг маънавий маданиятини тарбиялаш ва ривожлантириш жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Ватанпарварлик шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун ва инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган.

Ўзбек халқи доимо ватанпарварлик ҳисси билан яшаган ва бу улуг туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади. Шу маънода, 1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик — XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир. Ватанпарварлик инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида баҳоланади.

Ватан (араб тилида: “туғилиб ўсган жой, она юрт”) - кишиларнинг яшаб турган,

уларнинг авлод-аждодлари туғилиб ўсган жой, ҳудуд, ижтимоий муҳит, мамлакатни англатувчи тушунча. Ватан тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънода — бутун бир халқ, уларнинг аجدодлари азалдан истиқомат қилиб келган макон. Тор маънода — киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ [10, 101-бет].

Ватанпарварлик — Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи. бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган тушунча.

Ватанпарварлик ниҳоятда серкирра тушунча бўлиб, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, янгича маъно-мазмун билан бойиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, кадр-қиммати, тақдири, истиқболи, она юртга муҳаббат туйғуси қанча чуқур англанса, ватанпарварлик туйғуси шунча юксак бўлади. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий маданиятнинг турли босқичларида ватанпарварликнинг янги-янги қирралари намоён бўлиб боради. Ҳақиқий ватанпарварлик Ватанга, она заминга, ўз халқига муҳаббат билан яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида тинимсиз меҳнат қилиш ҳамда курашиш зарурати туғилганда жонини фидо қилишни назарда тутати. Ҳаржабҳада Ватанимиз эришаётган муваффақиятларидан кувониш, унинг тақдири учун қайгуриш, ўз юрти билан ғурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир ғишти ва ғиёҳига, қадимий ва замонавий обидалари, илм-фан ва санъатда ги ютуқларини, моддий ва маънавий бойликларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш - буларнинг барчаси ватанпарварликдир. Халқимиз ёшларида ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқур- билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Шу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади” [5, 43-бет].

Мамлакатимизда А. Муҳаммаджонов, О. Файзуллаев, О. Жалилов, Э. Каримов, М. Хайруллаев, А. Эркаев, М. Ражабова, М.

Махмудовкаби олимлар мустақиллик даврида комил инсон тарбияси масалалари устида илмий изланиш олиб боришиб, ватанпарварлик тарбияси масалаларига ҳам алоҳида урғу беришган.

Фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласида ўзига хосликларни аниқлаш ва педагогик методлардан фойдаланиш А. Азизхўжаев, М. Курунов, Ш. Қурбонов, Э. Сейтхалилов, Қ. Қурбонбоев, Н. Ортиқовлар ишларида ўз аксини топган.

Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси муаммоларининг ечимини топиш О. Мусурмонова, Ш. Тайлакова, С. М. Қодиров, С. Нишоновалар томонидан ўрганилган.

У. Маҳкамов, О. Хасанбоева, Ш. Қораев, Қ. Каримбеков, У. Эркаевлар маънавий қадриятлар, инсоний муносабатлар, кундалик турмуш, оила ва одоб эстетикаси ҳамда уларнинг моҳиятига доир тадқиқот ишлари олиб борганлар.

“Ватанпарварлик” атамаси бошқа тилларда ҳам ҳудудий боғлиқлик билан бирга, юртига муҳаббат хис-туйғусини билдиради. Масалан, рус тилидаги “патриотизм” (юнон тилида: *πατριώτης* — ҳамюрт, *πατρίς* — юрт, ота юрт, (*отечество*) — ахлоқий ва сиёсий тушунча, ижтимоий туйғу сифатида қаралади. Унинг мазмун-моҳиятида ўз юртини севиш, уни ардоқлаш, зарур бўлганда ўз қизиқишлари ва манфаатларидан кечиб, мамлакат тақдири учун уларни қурбон қилиш туйғуси ётади.

Козок тилида “ватанпарварлик” атамаси – “отансүйгіш”, “отаншыл» А.Н. Чудинов таҳрири остида 1990 йилда нашр қилинган нашр этилган “Хорижий сўзлар луғати” (Словарь иностранных слов)да “ватанпарварлик” атамаси, яъни – “отансүйгіш”- ўз халқини севиш, юртига меҳрли бўлиш каби туйғуларни билдиради [13,44-бет]., -деб таъриф берилган.

А. Иброхимов, Х. Султонов, Н. Жўраевлар «Ватан туйғуси» асарида ватанпарварлик ҳақида фикр юритиб: «Ўтмиш даврлардан инсониятга қолган моддий ва маънавий, маданият бойликларига маънавий мерос дейилса, аجدодлар томонидан ўз она-юртига садоқатлиликка ватанпарварлик дейилади» [7, 116],-деб таъкидлайдилар. Шундай экан, ватанпарвар инсонни енгиб бўлмайди. Чунки у нима оқу, нима қоралигини фарқлай билади. Бундай инсонни чинакам ватанпарвар дейиш мумкин.

С. М. Қодиров, Қ. Каримбеков, Ш. Қораевлар таъкидлашича, ватанпарварлик - ахлоқий тушунча, яъни унинг замирида руҳ яшириниб ётади. Эзгулик, комиллик, ақлий,

жисмоний-руҳий томондан баркамоллик тушунчасини англатади.

Берилган баҳоларнинг умумий сарҳисоби сифатида қуйидаги фикрларга келинди:

“Ватанпарварлик” – ижтимоий-педагогик категория бўлиб, инсоннинг ўз туғилган жойига боғланганлик, даҳлдорлик туйғусидан ташқари, ўз она юрти маданияти, моддий ва маънавий меъроси ва қўлга киритган муваффақиятидан ғурурланиш, миллий ифтихор ҳиссидир. Шу юртга, фуқаролигига, анъаналарига, тилига бўлган садоқатлилик ва даҳлдорлик туйғусидир. Ўзга миллатлар олдида ўз Ватанинг кадрланишини ва халқининг эъозланишини билдирадиган истак, хоҳишдир.

Инсон ўз юртини қандай бўлса шундайлигича севиши, унинг ривожини учун бор имкониятларини ишга солиши лозим. Ватанпарварлик кишиларда асосан уч босқичда намоён бўлади: 1) билиш — Ватан тўғрисидаги кадриятларни эгаллаш; 2) эътиқод — ватанпарварлик кадриятлари тўғрисида олган билимларини эътиқодга айлантириш; 3) ҳаракат — бу эътиқодни амалий ишлар орқали намоён этиш. Шу боис, талабаларда ватанпарварлик даражасининг сифат кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашда ёшларнинг ўз она юрти тўғрисидаги кадриятларга эга бўлганлик даражаси, фуқаролик эътиқодининг шаклланиши, ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Инсоният тарихида ватанпарварлик туйғусини ижтимоий туйғу сифатида кадрлаш тенденцияси мавжуд. Фалсафий, социологик, педагогик адабиётлар таҳлили “ватанпарварлик” контентига турли қарашлар мавжудлигини кўрсатди. Айрим ҳолларда ватанга бўлган муҳаббатни давлатга бўлган муҳаббат билан боғлаш ҳолатлари учрайди. Шу сабабли давлат ватанпарварлиги - (этатик) ватанпарварлик- давлатга муҳаббат ҳисси каби туйғуларни инсоният ўз бошидан кечирган.

Этатизм – (давлатчилик) француз тилида: “etat” – “давлат”- фуқаролар ҳаётида давлатнинг етакчилигини билдирувчи мафкура. Бунда яқка шахс қизиқиши гуруҳий қизиқишлар билан бирга давлат манфаатларига бўйсундирилади. Давлат сиёсатининг жамият ва шахс ҳаётига фаол аралашуви тушунилади (<https://www.executive.ru/index.php>).

Юриспруденцияда “этатизм” атамаси шахс ва

давлат ўртасидаги узвий алоқадорликни билдиради.

Империя ватанпарварлиги – империяга, унинг ҳукуматида бўлган муҳаббат (лоялик) ҳисси.

“Ура-ватанпарварлик” – (“ёлғондакам”) ватанпарварлик тушунчасини бузиб талқин қилиш, давлатга ва халқига бўлган гипертрофик ҳис туйғу.

Қутбий ватанпарварлик- (қутб) турмуш тарзи, анъаналар, удумлар, ақидаларга бўлган муҳаббат. Антик шаҳар ва давлатлар (полислар)да мавжуд бўлиб, маҳаллий диний қарашларда ўз ифодасини топган.

Ультра-ватанпарварлик- мамлакатига бўлган ғайриодатий муҳаббат.

Этник ватанпарварлик – ўз этноси, халқига бўлган муҳаббат.

Шаҳар ватанпарварлиги – ўз шаҳрига бўлган муҳаббат ҳисси.

Космополитизм – (юнон тилида: “kosmopolites”- “дунё одами, фуқароси”) - бутун дунёни ягона ватан сифатида кадрлаш ҳисси. Космополитизм ўзининг ватанини, унинг сарҳадларига бўлган даҳлдорликни, миллий мустақилликни ҳимоя қилиш туйғусини инкор этади. Космополитизм – ягона фуқаролик мафкурасини илгари суриб, алоҳида миллат, муайян давлат манфаатларидан устун қуйиш ғоясидир. Фалсафий луғатда ([//dic.akademik.ru/cor](http://dic.akademik.ru/cor)) таъкидланишича, “космополитизм” атамаси сиёсий фалсафа ва социология, таълим менежменти йўналишида кенг қўлланилади. Космополитизм атамасига 400 дан зиёд талқинлар учрайди. “Космополитизм” сўзининг луғавий маъносида бутун дунёга даҳлдор фуқаро тушунилади. Шу сабабли антик дунё вакиллари - Синоплик Диоген, Китионлик Зенон, Эпиктет, Сўкротларнинг фалсафий қарашларида космополитик идеал – ижтимоий яшаш шакли, тарзи сифатида қаралган ва улар ўзларини “космополит”, яъни полисдан ташқарида, “бутун жаҳон одами” сифатида талқин қилишган. XIX асрнинг сўнгги XX аср бошларида мазкур тушунча, яъни “космополитизм” ягона миллат ва халқ манфаатларидан ўзини четлаштириш, мамлакат олдидаги бурчдан қочиш, масъулиятсизлик каби салбий иллатларни тарғиб қилувчи ғояга айланди, шу сабабли ёшлар тарбиясида унинг негатив таъсирини учратиш мумкин. Космополитизмни тарғиб қилувчилар қаттиқ танқидга учраганлигини таъкидлаш жоиз, чунки бу оқим тарғиботчилари ватансизлик, ҳудудий даҳлдорлик ҳиссини инкор этиб, инсоният

учун ягона ватан – бу она замин, деган ғояни илгари суришади. Ушбу мафкуранинг тарғиб қилиниши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки космополитизм ёшларда бирон ер, она заминга, муайян миллат яшайдиган ерга бўлган туйғуларни инкор этади.

Инсон муайян ерга, заминга дахлдорлик ҳисси билан яшар экан, шу она замин уники эканлигини тушунади, уни асрайди, авайлайди, ёв келса уни ҳимоя қилади. Адолатни ҳамма нарсадан устун деб биладиган, тарих ва келажак олдидаги масъулиятни ҳис этадиган, ҳақиқий ватанпарвар шахслар ўзбек халқининг тарихида муносиб ўринга эга.

Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз Зулфияхоним ана шундай фидойи инсонлар сирасига киради. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоти, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган. Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам аягани йўқ. Аслида, бу дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби барчанинг ҳам бошида бор. Аммо ғам-андух ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда бутун дунёга донғи кетган ватанпарвар юртдошларимиз, буюк азиз-авлиёларимиз хотирасига ёдгорлик мажмуалари барпо этилди. Жумладан, Бухорода Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Самарқандда Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Марғилонда Бурҳониддин Марғиноний, Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом сингари ёдгорлик мажмуалари яратилди. Халқимиз ҳаётида чуқур из қолдирган, бутунги кунда том маънода муқаддас зиёратгоҳларга айланган бундай мажмуалар маънавий оламимизни юксалтиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилди ва улар ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясида салмоқли аҳамиятга эга.

Жамиятимизнинг бугунгидек тез суръатлар билан ривожланаётган палласида ёшларимизда, уларнинг жуда салмоқли бўлган олий таълим тизими талабаларида ватанпарварлик сифатини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш масаласи катта аҳамият касб этмокда. Шу боис жамиятимиз аъзоларининг, айниқса, ёш авлодни камол топтириш, уларда миллий ғоя, ўзлигини англаш, ўз ватанига меҳр - садоқат туйғусини уйғотиш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш зарурати ошиб бормокда. Бу эса чинакам ватанпарвар, юксак маънавий маданиятли шахсларни тарбиялаш демакдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон республикасининг Конституцияси.-Тошкент, 1992
2. 2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракат стратегияси. 7 январ 2017 йил.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истикболлариига бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи// Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, №11
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” 2016.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қўрамиз.-Тошкент:Ўзбекистон,2017.-104 б.
6. Замахшарий Нозик иборалар.- Тошкент:Камалак, 2001.-11-бет.
7. Иброҳимов А., Х. Султонов, Н. ЖўраевВатан туйғуси.-Тошкент:Маънавият, 2009.-202 б.
8. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажакга йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир – Тошкент: : Ozbekiston, НМИУ. - 2015. -304бет.
9. [Узоқов М.А. Талабаларда ватанпарварликни ривожлантириш омиллари.- Тошкент:Наврўз, 2018.-180 б.](#)
10. [Словарь иностранных слов./Под редакцией А.Н. Чудинова- Москва:Мысль, 1990.-С.67.](#)